

**Диний экстремизм
фундаментализм,
халқаро терроризм.**

Режа:

- Диний (ислом) фундаментализмни келиб чиқиши, унинг ғояси ва мақсадлари.
- Диний экстримизм, унинг кўринишлари ва мақсадлари. Диний экстремизмнинг жаҳон ҳамжамиятига таҳдиди.
- Халқаро терроризм ва унинг оқибатлари.

- **Фундаментализм** – маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва шу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин, деган фикрни илгари сурувчиларнинг йўналиши. **Диний фундаментализм** – ақиданинг ўзгармаслигини ҳимоя қиладиган, ваҳий ва мўъжизаларнинг муқаддас китоблардаги баёнининг ҳарфий талқини тарафдори, уларнинг ҳар қандай талқинига муросасиз, сўзма – сўз талқинига асосланган эътиқодини ақлга таянган мантиқий далиллардан устун қўядиган муайян диний эътиқод шаклланишининг бошланиш даврида белгиланган барча йўл – йўриқларининг қатъий бажарилишини талаб қиладиган диний оқимларни ифодалашда қўлланиладиган тушунчадир.

- 1919 йилда Филадельфияда жаҳон христиан фундаменталистлари ассоциясига асос солинди. Бу қуйидаги 5 ақидани ифодалайди:
 1. Иусиснинг бокира аёлдан дунёга келиши.
 2. Унинг инсоният гуноҳларини оқлаш учун қурбон бўлгани.
 3. Жисман қайта тирилиши.
 4. Ер юзида жисмонан иккинчи бор келиши.
 5. Китобнинг муқаддаслиги ва уни дастлабки соф ҳолига қайтиши.

- Марказий Осиёдаги давлатларнинг мустақиллигини қўлга киритиши ва мустаҳкамланиши даврида “ислом омили”, “ислом уйғониши” “қайта исломланиш” каби иборалар кўпроқ ишлатилиб, бу ҳол уларнинг беқиёс фаоллашувини ўзида акс эттиради. Бунинг асосий сабаблари қуйидагилар:

1. Собик мафкуравий тасаввурлар ва кадриятлар тизимининг емирилиши ва муайян вақт давомида ҳосил бўлган маънавий бўшлиқни тўлдириш зарурияти.
2. Коммунистик мафкуранинг маънавий қашшоқлиги, ўзига хос мутаносиблиги ва муайян миллатлар манфаатларига қарши қаратилганлиги, шўро ҳокимиятидаги кейинги маконда диний фундаментализмга қулай шароит туғилиши.

- 3. Собик иттифокдаги ҳукмрон партиянинг жиловбардорлиги диний жамоаларни ҳалқларни ақл-идрокини эгаллаш учун курашда ўзларининг рақибни, деб ҳисоблаши диннинг пинҳониятга чекиниши ва ҳатто унинг муайян маънодаги мухолиф кучга айланишига олиб келиши

- Ўзбекистонда нисбатан ислом фундаментализми таҳдиди қуйидагиларда ўзини намоён этмоқда.
 1. Ақидапарастликни ёйиш орқали мусулмонларни ислоҳотчи давлатга ишончини йўққа чиқаришга уриниш.
 2. Мустақамланиб бораётган умуммиллий бирдамлик ва ҳамжиҳатликка, миллатлар ва фуқаролараро тотувликка раҳна солишга қаратилган уринишлар.
 3. Демократия ва дунёвий давлат тушунчаларини эътиқод эркинлигига асосланган кўп конфессияли дунёвий жамиятни обрўсизлантиришга йўналтирилган саъйи-ҳаракатлар.....

■ “Мусулмон биродарлар” ташкилоти мафкураси қуйидаги асосий ғояларга таянади;

1. Ислом нуқтаи назаридан, барча мусулмонлар ягона миллатни ташкил этади ва эътиқод бўйича биродардирлар. Шу асосда “мусулмон биродарлар” жуғрофий ҳудудни тан олмайдилар.
2. Ислом нафақат дин, балки ҳаётни ташкил этиш тарзи ҳамдир. Унда барча ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий масалалар каби соф дунёвий муаммоларни ҳал этиш йўллари кўрсатиб берилган, деган даъвои илгари сурадилар.

- 3. Ислом барча халқлар ва ижтимоий табақаларни биродарликка даъват этишни ниқоб қилиб олган “мусулмон биродарлари” мафкурасининг асосий моҳияти – мусулмонларнинг бирлиги ва уларнинг диний ва дунёвий ҳокимиятини ўзида мужассамлаштирган халифа раҳбарлигидаги ягона мусулмон давлатига бирлаштиришни кўзлаган, соғлом мантиққа мутлақо зид даводан иборат.

- Ислом экстримизми ўзининг 2 хусусияти билан ажралиб туради;
 1. Уларнинг ақидасига кўра, гўё барча ҳозирги замон мусулмонлар жамоалари исломий қиёфасини йўқотганлар ва жоҳилия(исломдан аввалги)асри жамиятларига айланганлар. Бундай ёндашув ҳукумат ва унинг олиб бораётган сиёсатини танқид қилишга “асос” бўлиб хизмат қилади.
 2. Улар гўё фақат “ҳақиқий” мусулмонлар ҳокимиятга келгач, барпо бўлажак “исломий тартиб”ни ўрнатиш учун кескин ва агрессив ҳаракат қилиш зарур, деб ҳисоблайдилар.

■ Улар ўз мақсадларини амалга ошириш учун ўз фаолиятини қуйидагича ташкил этадилар.

1. Зўравонлик яъни террористик ҳаракатларни амалга ошириш натижасида омма ичида қўрқув пайдо қилиш ва ўзларининг кучларини кўрсатиш орқали ҳукуматга тазйиқ ўтказиш.
2. Иқтисодни турли йўллар билан (диверсия, қишлоқ хўжалиги ва саноат манбаларини издан чиқариш) таназзулга учратиш орқали ҳукуматни кучсизлантириш ва заифланган ҳокимиятни осонлик билан ағдариб ташлаш.

- 3. Турли ташкилот ва оммавий ахборот воситаларининг имконияти ва “беғараз” ёрдамида гўё “мамлакатда фуқароларнинг виждон эркинлиги борасидаги ҳуқуқлари бузулмоқда ва диний эътиқод поймол этилмоқда” каби иддаолар билан ҳукуматни обрўсизлантириш ва унга бўлган ишончини йўқотиш.

4. Оз сонлик диний ташкилотларга қарши ҳужум уюштириб, ҳатто улардан баъзиларини намоиш-корона жисмонан йўқ қилиш йўли билан содир бўладиган динлараро ва миллатлараро низо оқибатида беқарор вазиятни вужудга келтириш.
5. Жамиятни диндан исломлаштириш, яъни маърифий тарбиявий ишларни ташкил этиш.

- Аввалги мўътадил кўринган бундай фаолиятга аста-секин хорижий ва маҳаллий доираларнинг ғоя ва мақсадлари сингдириб борилади. Исломнинг соф таълимоти ва маълум қараш, манфаат билан қуроллантирилган, тайёр бўлган ижтимоий онгни керакли вақтда ўз мақсадларини амалга ошириш учун йўналтириб юборади.

- “Ҳизбут таҳрир ал исломий” ташкилоти ўз олдига қуйидаги мақсадларни қўяди.
 1. Тинч, осойишта давлатда фуқоролар урушини бошлаш
 2. Мамлакат иқтисодий фаолиятини ишдан чиқариш
 3. Миллатлар ва динлараро низо чиқариш
 4. Малакатга қурол – аслаҳа ва наркотик моддаларни олиб кириш, фуқоролар тинч ҳаётига раҳна солиш
 5. Мустақил давлатни қурол ишлаб чиқарувчи хорижий мамлакатларга қарши қилиш

■ “Акромийлар” сиёсий ҳокимиятга эришишни 5 та босқичда амалга оширишга ҳаракат қилади.

1. Сирли

2. Моддий

3. Маънавий

4. Узвий

5. Тўнтариш

4-5 босқичлар тамомила исломлаштириш даври тугагач бошланиши ва очикдан очик ҳокимият учун кураш босқичлари бўлиши мумкин эди.